

МЕХНАТ БОЗОРИ ШАРҲИ

III чорак 2024 й.

ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИ
ДЕПАРТАМЕНТИ ТОМОНИДАН
ТАЙЁРЛАНДИ


Меҳнат бозори ҳолати

(2024 йил III чорак)


Жорий йилнинг учинчи чорагида меҳнат бозори кўрсаткичлари ўтган даврдаги пасайиши тенденциясидан кейин бироз тикланди. Асосан, истеъмол ва инвестицион талаб томонидан шаклланаётган иқтисодий фаолликнинг жадаллашуви фонида меҳнат бозорининг жонланганлиги ишчи кучига талабнинг ортиши билан боғлиқ бўлди.

Сентябрь ойида бўш иш ўринлари сони июль ойига нисбатан 14,6 фоизга ошган. Бироқ, бу кўрсаткичлар йилнинг биринчи ярмига нисбатан пастроқ даражада қолмоқда. Учинчи чоракда ишчи кучига бўлган талаб асосан умумий овқатланиш (+43,3 фоиз) ва чакана савдо (+22,2 фоиз) соҳаларида кузатилди (1-расм). Мазкур ҳолат иқтисодиётда ялпи талабнинг нисбатан юқори шаклланганини кўрсатиши мумкин.

1-расм Эълон қилинган бўш иш ўринлари сони, минг бирлик



2-расм Корхоналарда ишчилар сонининг ўзгариши, саноат бўйича, фоиз банд




Манба: Марказий банкнинг очиқ маълумотлар асосидаги ҳисоб-китоблари


Шунингдек, корхоналар ўртасида ўтказилган сўровлар ҳам истеъмол талаби динамикасини акс эттирувчи тармоқларда (савдо ва хизмат кўрсатиши) ишчилар сонининг кўпайганлигини кўрсатмоқда (2-расм). Саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотлари томонидан ишчи кучини жалб қилиш сўнгги чоракларда барқарор даражада сақланиб қолмоқда.

Корхоналарнинг қўшимча ходимларни ишга қабул қилиш бўйича кутилмалари барқарор ижобий даражада шаклланмоқда (3-расм). Келгуси чорақда хизмат кўрсатиш ва савдо соҳасидаги корхоналар иш ўринлари яратилишининг жорий суръатлари давом этишини кутмоқда. Қурилиш соҳасида эса жорий йилнинг иккинчи чорагидан бошлаб ишчилар сони динамикаси кутилмаларида маълум бир пасайиш кузатилмоқда. Саноат соҳасида ҳам ходимлар сонининг ўсиши бўйича кутилмалар бироз пасайган. Бу саноат корхоналарининг келгусидаги буюртмалари ва ишлаб чиқариш ҳажмлари бўйича кутилмалари билан боғлиқ бўлиши мумкин.

3-расм Кейинги чорақда иш ўринлари сонининг ўзгариши бўйича корхоналарнинг кутилмалари, фоиз банд



4-расм Ўз-ўзини банд қилганлар ва якка тартибдаги тадбиркорлар сони, минг киши



Манба: Корхоналар ўртасида ўтказилган сўровлар асосида Марказий банк ҳисоб-китоблари, Давлат солиқ қўмитаси.

Ўз-ўзини банд қилганлар сони ўсишда давом этмоқда ва сентябрь ойи якуни бўйича 4,0 миллион¹ кишига етиб, жорий йилнинг II чорагига нисбатан 13 фоизга (449 минг кишига) юқори ҳисобланади. Уларнинг сони майший хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш ва ахборот-коммуникация хизматлари соҳаларида юқорилигича сақланиб қолмоқда.


Учинчи чорақ якуни бўйича якка тартибдаги тадбиркорлар сони 297 минг кишини ташкил этиб, ўтган даврга нисбатан 4 фоизга ошди. Бунда, майший хизмат кўрсатиш соҳасида (+7,9 фоиз) юқори ўсиш

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитаси маълумотлари


кузатилмоқда. Чакана савдода (+2,5 фоиз) ва хунармандчилиқда (+4,2 фоиз) мұytадил үсиш күрсаткичлари кузатилған.

Жорий йилнинг II чорагидаги пасайишдан сүнг III чорақда онлайн иш қидирувлар сони сезиларли күпайди (5-расм). Чорак давомида веб-саҳифаларга ойлик үртача ташрифлар сони 520 минг кишини ташкил этиб меңнат бозорида ишчи кучи таклифининг ошганлигини күрсатмоқда (6-расм).

5-расм Иш қидириш сўровлари нисбий сонининг динамикаси, ф.



6-расм Веб-сайтга ташриф буюрувчилар сони, минг киши.



Манба: Марказий банкнинг очиқ маълумотларга асосланган ҳисоб-китоблари

Иш ҳақи динамикаси

Учинчи чорақда иш ҳақининг номинал үсиш суръати ўтган чорақдаги йиллик 17,7 фоиздан 16,4 фоизгача ва реал үсиш суръатий иллик 7,7 фоиздан 5,4 фоизгача пасайди (7-расм).


Савдо (+25 фоиз, й/й) ва ахборот-коммуникация хизматлари соҳасида (+23,7 фоиз) тўққиз ой давомида иш ҳақининг юқори үсиши қайд этилған. Қурилиш ишлари үсиш суръатларининг тезлашиши натижасида қурилиш секторида (+10,7 фоиз) III чорақда иш ҳақи үсишининг тезлашиши кузатилди.

Шу билан бирга, саноат (+14,8 фоиз) ва молия (+13,1 фоиз) соҳаларида жорий йилнинг ўтган чоракларига нисбатан иш ҳақи үсиш суръати секинлашди. Бу молия соҳасидаги иш ҳақи үсиши узоқ муддатли юқорилашдан кейин барқарорлашаётганлиги билан боғлиқ бўлиши мумкин (8-расм).


Шунингдек, юқори ва кам ҳақ тўланадиган тармоқлар ўртасидаги иш ҳақи тафовути ошишда давом этмоқда (2021 йил бошидаги 4,4 миллион сўмдан жорий йилнинг III чорагида 11,2 миллион сўмгача).

Йил якунига келиб, давлат секторида иш ҳақини индексация қилиш фонида иш ҳақи ўсиш суръатларининг тезлашиши кутилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, келгуси чоракларда иқтисодиётда қўшимча истеъмол талаби шаклланишини қўллаб-қувватлайди.

7-расм Иқтисодиётда иш ҳақининг ўсиш суръати, фоиз



8-расм Айрим тармоқларда иш ҳақининг ўсиши, 2021 йил 1-чорак. = 100



Манба: Статистика агентлиги маълумотлари асосида Марказий банкнинг ҳисобкитоблари.


Пул ўтказмалари динамикаси ва меҳнат муҳожирлари оқими

Йил бошидан пул ўтказмалари ҳажми 11,3 млрд. долларга етиб, 2023 йилнинг мос даврига нисбатан 34,8 фоизга кўпайди (9-расм).


Жорий йилда пул ўтказмаларининг юқори ўсиши меҳнат муҳожирларини қабул қилувчи мамлакатларда валюта курсларининг нисбатан барқарорлиги, иш ҳақининг ошиши ва иқтисодий фаолликнинг юқори суръатлари билан боғлиқ. Бундан ташқари, мигрантлар оқимининг географик диверсификацияси давом этмоқда. Уларнинг сони юқори маошли мамлакатларда қўпайиб, пул ўтказмалари ҳажмига ижобий таъсир қўрсатмоқда.

Шаклланаётган тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда, пул ўтказмалари ўсиши прогнози ошириш томонга қайта кўриб чиқилди. Янгиланган прогнозларга кўра, 2024 йил якуни бўйича трансчегаравий пул ўтказмаларининг ўсиши 25-30 фоизни ташкил этиши кутилмоқда.

9-расм Пул ўтказмалари динамикаси, млн. долларда



10-расм Пул ўтказмалари прогнози, ўсиш суръатлари, %



Манба: Марказий банкнинг ҳисоб-китоблари.

Инсон ресурсларига ташқи талаб юқори сақланиб қолмоқда. Мәхнат мұхажирларига талаб аńғанавий мамлакаттарда ҳам, узоқ хорижий мамлакаттарда ҳам күзатилмоқда. Бұгунги кунда, Ташқи мәхнат миграция агентлиги расмий веб-сайтида III чоракда эълон қилинган 3,5 мингта хорижда ишлаш учун вакансиялар мавжуд. Эълон қилинаётган вакансияларнинг асосий қисми саноат, қурилиш ва хизмат кўрсатиш (*тиббиёт ва автотранспорт*) соҳаларига тўғри келмоқда.